


O'zbekiston Respublikasi
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

BUXORO MUHANDISLIK-TEKNOLOGIYA
INSTITUTI



“YENGIL SANOAT” fakulteti
YENGIL SANOAT TEXNOLOGIYALARI
KAFEDRASI

Materials of republican scientific and practical
conference

"INNOVATIVE SOLUTIONS FOR SCIENCE,
EDUCATION AND PRODUCTION IN
LIGHT INDUSTRY"

Материалы республиканской научно-
практической конференции
«ИННОВАЦИОННЫЕ РЕШЕНИЯ НАУКИ,
ОБРАЗОВАНИЯ И ПРОИЗВОДСТВА
В ЛЁГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ»

«YENGIL SANOATDA FAN-TA'LIM VA
ISHLAB CHIQRISHNING INNOVATSION
YECHIMLARI»

Respublika ilmiy-amaliy anjumani
Materiallari
1-tom



21 aprel 2021 yil

**Ministry of higher and secondary special education
of Republic of Uzbekistan**

Bukhara engineering-technological institute

DEPARTMENT OF LIGHT INDUSTRY TECHNOLOGY

Министерство высшего и среднего специального образования

Республики Узбекистан

Бухарский инженерно-технологический институт

**КАФЕДРА «ТЕХНОЛОГИИ ЛЁГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ»**

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

Buxoro muhandislik-texnologiya instituti

“YENGIL SANOAT TEXNOLOGIYALARI” KAFEDRASI



**Materials of republican scientific and practical conference
"Innovative solutions for science, education and production in light
industry"**

**Материалы республиканской научно-практической
конференции**

**«Иновационные решения науки, образования и производства
в лёгкой промышленности»**

**“Yengil sanoatda fan-ta'lim va ishlab chiqarishning innovatsion
yechimlari”**

respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari

1-tom

21 aprel 2021 y.

Биз олий таълими муассасаларида технологик таълим йўналишида фаолият олиб борувчи ихтиссослик фан ўқитувчисининг ўзини намоён қилишнинг инновацион йўлларини излашни таъминлаш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Демак, инновацион ёндашув – талабаларнинг ички дунёсини бойитади, ижодий имкониятларини ривожлантиради, билимларнинг илмий даражасини кўтаради. Ижодий изланишларга замонавий таълим муассасасига хос бўлган ахборот хажми билан уни ўрганиш учун ажратилган муддатлар орасидаги, ахборот хажми билан ҳаётнинг ҳақиқий талаблари ўртасидаги, билимларни ўзлаштириш методларининг уларнинг ўсиш хажми тезлигига мос келмаслиги ўртасидаги асосий зиддиятларни ҳал қилиш зарурлигига ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сайфуллаева Д.А. Касб-хунар мактабларида “Тикувчилик технологияси” фанини фаол методлардан фойдаланиб ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш. Магистрлик монографияси-Бухоро, 2014

2. Педагогика: Учеб. Пособие / Под ред. П.И.Пидкассистого. М.: Высшее образование, 2006. – 432 с.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

**Жумаева Мехрибон Абдувохитовна –таянч докторант
Бухоро Давлат Университети**

Жамиятнинг барча жабҳаларидаги муаммолар, ўзгаришлар олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига ҳам таъсир қилиб ва янгидан янги талабларни кўяди. Ҳозирги пайтда назарий билим ва амалий кўникмага эга, ўзгаришларга мосланувчан, эркин фикрлайдиган, касбий ҳамда ҳаётий муаммоларини мустақил ҳал қила оладиган мутахассисларга, кадрларга эҳтиёж катта. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида талабаларидан ҳар томонлама билимдонлик, мустақил фикрлай оладиган, ташкилотчилик қобилиятига эга шахс даражасини талаб этади. Бундай талабларнинг бажарилиши, албатта уларни бутун ҳаёти давомида билим олишга ўргатиш орқали таъминланади [4].

Бизнинг фикримизча, олий таълим тизимида машғулотларни ўқитишда асосий эътибор бўлажак ўқитувчиларда шахсий ва касбий фаолиятлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Шунингдек, мустақил таълим

олишнинг турли самарали усуллари кўллаш орқали бўлажак ўқитувчиларда мустақил ишлаш ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга интилиш лозим.

Таълим олувчининг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларни креатив ёндашув асосида педагогик фаолиятга тайёрлаш унинг билим олишга бўлган қизиқишини ошириш, муаммолар бўйича илмий фикрлай олишини ривожлантириш, объектив борлиқни тасаввур эта олишга у ёки бу шаклда ташкил этилган мустақил иш ижобий таъсир кўрсатар экан.

Биринчидан, мустақил иш – ўқув жараёнида назарий ва амалий машғулотлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Иккинчидан, мустақил иш – таълим методлари, шакллари ва мазмуни билан боғлиқ ҳолда ташкил этилади.

Учинчидан, мустақил ишга раҳбарлик қилиш, яъни бошқариш ўқитувчидан нафақат педагогик маҳорат, балки ташкилотчилик сифатига эга бўлишини ҳам талаб этади.

Мустақил иш – бу ўқув машғулотларини ташкил этиш шакли ҳам эмас, таълим методи ҳам эмас. Мустақил иш – бўлажак ўқитувчиларни мустақил билиш фаолиятига жалб этиш мотиви, уни мантиқий ва психологик ташкил этиш воситасидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, мустақил ва ижодий ишларни ташкил этишда педагогик ва психологик тамойилларга таяниши зарур.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бу мустақил ишдир. Мустақил иш бўлажак ўқитувчиларнинг ақлий, педагогик ва психологик фикрлашларини фаоллаштиради, ўқув адабиётлари билан ишлаш малакалари ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради. Демак, бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил билим олишга тайёрлаш жараёнида уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур.

Бўлажак ўқитувчи мустақил таълим топшириқларини тузиш ва амалга оширишда таълим олувчиларнинг имкониятларини, иқтидорини ҳисобга олиши, мустақил бажариш бўйича керакли услубий тавсияларни беришда зарурий ўқитиш воситаларнинг эътиборга олиши керак.

Мустақил ишлар тизими дейилганда, биз бир-бири билан ўзаро боғланган ва бир-бирини мазмунан тўлдирадиган, бирининг мазмуни иккинчисиникидан мантиқан келиб чиқадиган ва умумий мақсадга бўйсунган топшириқлар мажмуини тушунамиз.

Л.В.Голиш ва Д.М.Файзуллаевалар ўзининг олиб борган илмий тадқиқот ишларида таълим олувчилар томонидан мустақил ишни бажаришда уларнинг фаолияти тизимида

кўрсатилган ҳар бир элементларнинг муваффақиятли режалаштириш, ташкиллаштириш, мониторинг ва баҳолаш зарур эканлигини асослаб беришган [3].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясининг “Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари” деб номланган 3-бобининг “Олий таълим билан камровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш” деб номланган 1-§ да “Мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” [1] масалаларида таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларини, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришга муаммо сифатида талқин этилганлиги боис, 2020-йил 23-сентябрда тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ҳам “Мустақил таълим олиш яқка тартибда амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларни касбий, интеллектуал, маънавий ва маданий ривожлантиришга хизмат қилади” [2] деб белгилаб қўйилганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Бугунги кундаги таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар талабаларни мустақил фикрлашини ривожлантириш, индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга оид муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир. Олий таълим муассасаларида бу вазифаларни амалга оширишга босқичма-босқич ўтиш режалаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
2. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-637-сон. 2020-йил 23-сентябрь.
3. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Т.: ТДИУ, 2014.

	ЙЎЛЛАРИ. <i>Нематова Лола Хикматовна-ассистент, Бухоро муҳандислик-технология институти</i>	
81	ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИ ОШИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ. <i>Жураева Лайло Рахматиллаевна- ассистент, Бухоро муҳандислик-технология институти</i>	244
82	ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ. <i>Б.Б. Тўрақулова-ассистент, И.Каримов-талаба, Бухоро муҳандислик-технология институти</i>	247
83	ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ В СРЕДНЕМ ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ. <i>Нафиса Мухаммадовна Зиявитдинова-к.э.н., доцент, Ирода Наимовна Хайитова-ассистент, Бухарский инженерно-технологический институт</i>	249
84	ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ДАРСЛАРНИ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ. <i>Азимова Мадина Нарзуллаевна, Бухоро муҳандислик-технология институти</i>	254
85	БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>Жумаева Мехрибон Абдувохитовна –таянч докторант, Бухоро Давлат Университети</i>	257
86	МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ВА СПОРТ ТАДБИРЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ТУРМУШ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ. <i>Ф.Н.Туркменов -катта ўқитувчиси, Бухоро муҳандислик-технология институти</i>	260